


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 31 июль, № 153 (8776) Чоршанба


Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# БИР БЎЛСАК – ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК – ВАТАНМИЗ!





## НАВҚИРОН АВЛОД УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

*Президентимиз раислигида жорий йилнинг 28 июнь куни ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар сарҳисоби, янги вазифа ва таклифлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ҳамда навқирон авлод вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди. Қизғин руҳда кечган ушбу тадбирларда кўтарилган масалалар, белгилаб олинган вазифалар эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, бугун юртимиз аҳолисининг 18 миллиондан ортиғини ёшлар ташкил этмоқда. Уларнинг ҳар томонлама етук шахслар бўлиб камолга етиши пировардида Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлайди.*

*Сир эмаски, кейинги йилларда йигит-қизларнинг замонавий касбларни ўрганиши, хориж тилларини мукаммал ўзлаштириши учун янги имтиёз ва имконият яратилмоқда.*

**Нуқтаи назар**

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги “Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан фарзандларимизнинг чет тилларни мукаммал ўрганиши учун янги имкониятлар эшиклари очилди.

Ушбу ҳужжатга кўра халқаро имтиҳон тизимлари бўйича (инглиз, немис, француз, корейс, хитой ва япон тиллари) С1 ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги сертификат олган ёшларнинг ўқиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида бир марталик моддий рағбатлантириш тизими жорий этилаётир.

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар ёшларнинг немис, француз, корейс, хитой ва япон тиллари бўйича халқаро имтиҳон тизимларида имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилиши учун улар томонидан тўпланиши лозим бўлган баллнинг (сертификат даражасининг) минимал кўрсаткичи бир поғона пасайтирилади ҳамда мазкур харажатлар Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар доирасида қопланади.

➡ 4

**Шукуҳ**

## ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

**Мамлакатимизда 30 июль — Халқлар дўстлиги куни кенг нишонланди.**

Пойтахтимизда ўтказилган “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонини топширишга бағишланган тантанали тадбирда байрам шукуҳи янада яққол намоён бўлди.

Тантанали тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, миллий маданий марказлар фаоллари, маданият, санъат соҳалари намояндалари, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Таъкидланганидек, янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида бошланган ислоҳотлар жараёнида жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш энг устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Дунё миқёсида бағрикенг юрт сифатида эътироф этиладиган жонажон Ватанимизда бугунги кунда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамоқда. 157 та миллий маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб борилмоқда.

➡ 3

## Сиёсий партиялар фаолияти ривожида аралаш сайлов тизимининг ўрни қандай?

*Сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда фуқароларнинг қарашлари, манфаат ва мақсадлари муштараклиги асосида жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаради.*

**Мушоҳада**

Мамлакатимизда бугунги кунда бешта сиёсий партия мавжуд. Яъни Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси самарали фаолият олиб бормоқда.

Айтиш жоизки, сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сайловлар муҳим роль ўйнайди. Янги Ўзбекистон шароитида сайловлар нафақат демократиянинг муҳим белгиси ва кўриниши, балки унинг зарурий шарти ҳамдир. Шу нуқтаи назардан, инсонпарвар демократик тамойилларга таянувчи янги Ўзбекистонда эркин сайловларни муносиб ташкил этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, сайловлар халққа давлат ҳокимиятининг ягона манбаи сифатидаги сиёсий ролини амалга ошириш имконини берадиган ҳал қилувчи жараён саналади.

➡ 3

**Тадбир**

## Ўзбекистон – Беларусь аёллари бизнес форумига тайёргарлик жараёни муҳокамаси

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигида Тошкент шаҳрида иккинчи Ўзбекистон — Беларусь аёллари бизнес форумини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда жорий йил 26-27 август кунлари ўтказилиши режалаштирилаётган иккинчи Ўзбекистон — Беларусь аёллари бизнес форумига тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ташкил этиш ва янги ҳамкорлик шартномаларига эга бўлиш, жараёнларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳамда белгиланган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этиш жоизки, мазкур бизнес форумидан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёллари бизнес ҳамда иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, янги ҳамкорлик имкониятларини излаш ва мавжудларини кенгайтириш, тажриба алмашиш, икки мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга хотин-қизларни кенг жалб қилишдан иборат.

Иккинчи бизнес форумида етти секция, яъни хизматлар соҳаси ҳамда электр-техник саноати, кимё саноати, енгил саноат, қишлоқ ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, электр ва “яшил” энергетика йўналишлари бўйича мажлислар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Секция мажлислари ва кўргазма ўтказиладиган жойларда икки мамлакат тадбиркор аёллари ҳамда давлат органлари ўртасида “B2B” ва “G2B” форматидаги учрашувлар, шунингдек, тижорат шартномалари, битимлар ва ҳамкорлик меморандумлари тузиш бўйича келишувларга эришиш назарда тутилган.

**«Халқ сўзи».**

**Сенатор ва ҳаёт**

## Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сайловчилар олдидаги масъулият

*Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ваколатларини бир-биридан ажратиш белгилаб қўйилган бўлиб, бу муайян талабларни кун тартибига олиб чиқади.*

Аниқ айтадиган бўлсак, бу ҳолат маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришни, унинг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйишни ҳамда депутатларнинг жойлардаги муаммоларга вақтида муносабат билдиришини, зарур ҳолларда эса чоралар кўришни талаб этмоқда.

Шу боис Олий Мажлис Сенати томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг сайловчилари олдида ахборот беришига доир намунавий тартиб ишлаб чиқилди.

Айни чоғда мазкур намунавий тартибни республикадаги барча маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятига изчил жорий этиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари билан “ZOOM” платформаси орқали семинар ўтказилиб, мутахассислар томонидан намунавий тартибнинг мазмун-моҳияти депутатларга батафсил тушунтириб берилди.

Бу жараёнда намунавий тартиб билан депутатнинг ахборот беришини ташкил этиш, сайловчиларни ахборот бериладиган жой ва вақт тўғрисида олдиндан хабардор қилиш, ахборот бериш жараёнида давлат органлари ва ташкилотлари иштирокини таъминлаш ва уларнинг бу борадаги вазифалари белгилаб берилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Қолаверса, ушбу намунавий тартибда депутат ахборотида қайд қилиниши лозим бўлган маълумотлар ва уларга қўйилган талаблар, сайловчилар билан учрашувда аниқланган муаммоли ҳолатларни ўрганиш ҳамда уларнинг депутат томонидан ҳал этилиши каби муҳим нормалар белгилаб қўйилаётир.

➡ 2

**Ҳамкорлик**

## Тошкентдаги ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасида Беларусь Республикаси давлат байроғи кўтарилди

*30 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Ижроия қўмитасининг Тошкент шаҳридаги қароргоҳида Беларусь Республикаси давлат байроғини кўтаришга бағишланган маросим бўлиб ўтди.*

Тадбирда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати вакиллари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчилар ва мулоқот бўйича ҳамкор мамлакатларнинг дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, ШҲТ МАТТдаги ушбу тузилмага аъзо давлатларнинг доимий вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

➡ 3

## ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТ ЕТАКЧИСИ РАҲНАМОЛИГИДА ЖАҲОН СПОРТИДА ЯНАДА КЎПЛАБ ҒАЛАБАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИ




*Сингапур кураш федерацияси вице-президенти Хо Си Сон “Дунё” АА учун интервьюсида ҳамюртимиз Диёра Келдиёрованинг “Париж — 2024” ёзги Олимпия ўйинларида қўлга киритган улкан ғалабаси ҳақидаги фикрларини билдирди:*

**Эътироф**

— Аввало, Сингапур кураш федерацияси номидан Ўзбекистонни дзюдочи Диёра Келдиёрованинг Парижда ўтаётган ёзги Олимпия ўйинларидаги ажойиб ғалабаси билан чин қалбимдан табриклайман.

Ҳар тўрт йилликнинг асосий спорт тадбирида, ҳақиқатан ҳам, муҳим воқеа юз берди. Финалда Диёра амалдаги Олимпия чемпиони, косоволик Дистрия Красничини мағлубиятга учратиб, ўзининг мукаммал спорт формасида эканини намойиш этди. Якунда ўзбекистонлик атлет “Париж — 2024” олтин медалини қўлга киритди. Унинг ушбу ютуғи нафақат Олимпия ўйинларидаги ғалаба, балки “жаҳон дзюдоси етакчиси” мақомининг тасдиғи ҳамдир.

Таъкидлаш керакки, финал йўлида ҳамюртингиз жаҳоннинг энг кучли спортчиларини мос равишда мағлуб этди. У илгари тенгсиз ҳисобланган япониялик Ута Абэни, германиялик Маша Бальхаусни ва франциялик Амандин Бюшарни ишончли тарзда мағлуб этиб, барчадан кучли эканини исботлади.

Диёра Келдиёрова, шунингдек, ёзги Олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган биринчи ўзбекистонлик аёл спортчи сифатида тарихга кирди. Олимпия ўйинларида эришилган ушбу зафар янги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида тан олинаётган ажойиб ютуқлари тимсолида ҳам намоён бўлди. Чемпионни биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев табриклагани ва унинг ғалабасини тарихий деб атагани бежиз эмас.

Ўзбекистон мамлакат етакчиси раҳнамолигида жаҳон спортида янада кўплаб ғалабаларни қўлга киритишига ишонаман.

# Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва сайловчилар олдидаги масъулият

1 Семинар давомида маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан бугунги кунга қадар сайловчиларга ахборот беришнинг аниқ механизми йўқлиги ҳамда жараён тизимлаштирилмагани ва сайловчиларга ахборот беришни ташкил қилишда депутатлар томонидан турли ёндашувлар мавжудлиги ва бу амалиётда қатор қийинчиликларни келтириб чиқараётгани айтилди.

Ўз навбатида, тадбир иштирокчилари томонидан депутат ахбороти мазмун-моҳияти, сайловчилар томонидан кўтарилган муаммоларни ҳал этиш тартиби, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг иштироки каби муҳим ҳолатлар тартибга солинмагани ҳам урғуланди.

Анжуманда бу намунавий тартибни амалиётга жорий қилиш орқали маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўз сайловчилари олдида ахборот бериш жараёнини тизимлаштириш ҳамда унда бир хил ёндашувни таъминлаш ва учрашувларда сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши устидан изчил ва самарали депутатлик назоратини ўрнатишга эришилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**«Халқ сўзи».**

## Депутат фикри

# Фуқаролар мурожаатлари: ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТАКЛИФЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

*Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга ижобий ечим топиш ва уларни тизимли равишда ҳал этиш, одамларни рози қилиш, инсонни улуғлаш, унинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.*

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, хусусан, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш юзасидан кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари ташкил этилгани жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, давлат органлари билан фуқаролар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизмини жорий этиш имконини берди.

Қайд этиш жоизки, ўтган даврда барча даражадаги ташкилотлар ўз фаолиятини бевосита ҳудудларда, маҳаллаларга кириб борган ҳолда ташкил этди. Ўз навбатида, қуйи палата депутатлари ҳам жойларда аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, сайловчилар томонидан кўтарилган муаммоларни ҳудуднинг ўзида ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўрмоқда. Жумладан, мурожаатлар билан ишлаш борасидаги фаолият самарадорлигини кучайтириш, депутатларнинг сайловчилар олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш, аҳолининг турмуш тарзини ўрганиш, жойларда учрашувлар ташкил этиш ҳамда аниқланган муаммоларни парламент назорати шаклларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Қонунчилик палатасида жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабули ташкил этилди. Фуқаролардан келиб тушган 3 мингдан зиёд мурожаатларнинг барчаси мутасадди вазирлик ва идоралар мутасаддилари жалб этилган ҳолда кўриб чиқилди.

Аёнки, парламентда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг янада мукаммал бўлиши, пишиқ-пухта тайёрланиши аҳоли томонидан билдирилган таклифларга бевосита боғлиқ. Шу маънода айтганда, ўтган даврда жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир 207 та таклиф келиб тушган. Уларда, асосан, Жиноят, Солиқ, Божхона, Оила, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, "Педагогнинг мақоми тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Давлат божи тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилган. Мазкур таклифлар масъул қўмиталар томонидан атрофлича кўриб чиқилган.

Мисол учун фуқаролар И. Расулов ва Х. Қурбонованинг "Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича таклифлари Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан мурожаатчилар иштирокида муҳокама этилди ҳамда мазкур қонун лойиҳасини маромига етказишда фойдаланилган.

Шунингдек, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан фуқаро Э. Болтаевнинг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга доир ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан йўллаган таклифи белгиланган тартибда кўриб чиқилган.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан фуқаролардан келиб тушган 70 дан ортиқ таклифлар Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида алоҳида ишчи гуруҳ ташкил этилган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

Фуқаролар мурожаатларида келтирилган таклифлар турли соҳалардаги тизимли масалаларни қонун доирасида ҳал этиш, пировард натижада "Инсон қадри учун" тамойили асосида аҳоли ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш имконини беради.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.**

# Мустаҳкам ҳуқуқий асос ва парламент назорати

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб мажлисга раислик қилувчи қуйи палата Спикери ўринбосари О. Тожиев мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликларга, жумладан, ёзги Олимпия ўйинларининг дзюдо баҳсларида олтин медални қўлга киритган ҳамюртимиз Диёра Келдиёрованинг ютуғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Шунингдек, мамлакатимизда старт олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сайлови кампанияси ҳақида алоҳида тўхталиб, ушбу сайлов демократик давлатчиликнинг ёркин намунаси, фуқароларимизнинг сайлаш ва сайланиш, давлат органларини демократик тарзда шакллантиришда иштирок этишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг муҳим воситаси эканини алоҳида қайд этди.

30 июль — Халқлар дўстлиги куни муносабати билан давлат раҳбарининг табриги, унда билдирилган фикрларга ҳам урғу бериб, халқ вакиллари сайловчилар билан учрашувларда ушбу муҳим сананинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини аҳолига етказишда фаол бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг мажлисда кун тартибидан ўрин олган қатор қонун лойиҳалари ва парламент назоратига оид масалалар кўриб чиқилди.

### Прокуратура эндиликда ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларига оид жиноятларни тергов қилади

Мажлисда ер участкаларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузганлик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда. Хусусан, Жиноят, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят-процессуал кодексларида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш билан боғлиқ жиноятлар прокуратура органларининг терговига тааллуқли эканлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари судларда ўзбошимчалик билан эгалланган давлат эгалигидаги ер участкаларини қайтариш ҳамда ноқонуний қурилмаларни бузиб ташлашга оид ишларни кўриб чиқишнинг алоҳида тартибини белгиловчи нормалар билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролик ва иқтисодий судларга ер тўғрисидаги қонун бузилиши билан боғлиқ ариза киритганда давлат божидан озод этилиши белгиланмоқда.



Депутатларнинг қайд этишича, қонун лойиҳаси ер ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, ерларни ноқонуний эгаллаб олишнинг олдини олиш, ер қонунчилигига риоя этишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Сув кодекси лойиҳасида қандай нормалар акс этяпти?

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасида ягона ҳуқуқий ҳужжат яратиш мақсадида ишлаб чиқилган Сув кодекси лойиҳасида қатор муҳим нормалар ўз аксини топмоқда. Жумладан, сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасида Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, вазифа ва функцияларига аниқлик киритиляпти. Қолаверса, сувни етказиб бериш хизмати учун тўловлар сув етказиб бериш харажатларини қоплаши ҳамда сув етказиб берувчининг рентабеллигини таъминлаши зарурлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш шартлари назарда тутилиб, сувдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш шартлари соддалаштириляпти.

Қонун лойиҳаси билан сув фонди ерлари, жумладан, табиий сув манбалари ҳудудлари (дарёлар, сойлар, жилғалар, кўллар, ботқоқликлар ва булоқлар) Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий тизим ташкилотларининг балансига ўтказилиши ҳам таклиф қилинмоқда.

Мажлисда таъкидланганидек, сувга доир муносабатларда халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари акс этяпти. Сув кодекси лойиҳасида ҳаволаки нормалар чиқариб ташланиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилаётир. Шу сабабли ушбу кодекс қабул қилиниши билан Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари ва улар билан тасдиқланган низом ва тартиблар бекор қилинади.

Кодекс сувдан оқилона фойдаланиш, самарали бошқариш ва муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга, сув етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг масъулиятини оширишга, сувдан фойдаланишда рухсатнома олиш тартиби соддалаштирилишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди, айрим нормалар бўйича изоҳлар сўралди. Қонун ташаббускорлари томонидан етарли жавоблар берилганидан сўнг ушбу ҳужжат депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Минтақа ёшларини бирлаштиришга қаратилган ҳужжат ратификация қилинади

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2023 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, ушбу Битимни тузиш ташаббуси 2022 йил 21 июлда Чўлпонотада ўтказилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг IV маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган. Битим минтақа ёшларини бирлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим ҳужжат саналади.

Битимнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ёшларни Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий, маданий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жалб қилиш;
- ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;
- соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган турли дастурларни ишлаб чиқиш;
- илғор тажриба алмашиш ҳамда илмий-инновацион ҳамкорликни ривожлантириш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш;
- истеъдодли, иқтидорли ва қобилиятли ёшларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- ёшларнинг ижтимоий заиф гуруҳларини, жумладан, имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга қаратилган чоралар кўриш шулар сирасига киради.

Шу билан бирга, Битимда ёшлар иштирокида оммавий тадбирлар, лойиҳалар, давлатлараро акциялар, семинарлар, мунозара клублари, давра суҳбатлари, форумлар ва минтақадаги ёшлар сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланган конференцияларни ташкил этишга кўмаклашиш масалалари ҳам ўз аксини топган.

Муҳокама чоғида депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ушбу Битимнинг ташаббускори ва депозитарийси сифатида уни биринчилардан бўлиб ратификация қилиши, ушбу халқаро ҳужжатнинг кучга кириши учун Марказий Осиёнинг қолган давлатлари ҳам ички тартиб-таомилларидан ўтказишига туртки бўлиши алоҳида таъкидланди.

Депутатларнинг фикрича, мазкур Битимнинг ратификация қилиниши Марказий Осиё давлатларининг ёшлар сиёсати соҳасида шериклик муносабатларини ривожлантиришга имкон яратади, минтақадаги ёшлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Ижтимоий фаол аҳоли камбағал оилалар тоифасига тушиб қолмайди

Мажлисда "Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўланадиган нафақалар турлари белгиланмоқда. Хусусан, касаллик, яъни ишчиларнинг бетоблиги сабабли меҳнатга лаёқатсизлиги даври учун тўланадиган, "декрет" — аёлларнинг туғуруққача ва туғуруқдан кейинги даври учун тўланадиган, ишдан бўшатиш, яъни фуқароларнинг вақтинча ишсизлиги даврида тўланадиган нафақалар шулар жумласидан.

Шунингдек, лойиҳада Ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан аҳолини суғурталаш тизими жорий этилиши белгиланаётир. Хусусан, инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганида, қисқа даволанишда, туғуруқ даврида) ёки ишсиз қолганида Ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан ижтимоий қўллаб-қувватланади.

Қонун лойиҳаси билан мазкур жараён уч босқичда амалга оширилиши белгиланмоқда:

*Биринчи босқичда* — 2025 йил 1 июлдан бошлаб, барча суғурталанган аёлларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъи назар, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилади;

*Иккинчи босқичда* — 2026 йил 1 январдан барча суғурталанган жисмоний шахсларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъи назар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб берилади;

*Учинчи босқичда* — Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан суғурталанган шахсларга ишсизлик нафақаси ва бошқа турдаги тўловлар жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси фаолият туридан қатъи назар, ишлаётган ходимларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳамда ишдан бўшатиш нафақаси тўлиқ тўланишига, ижтимоий фаол аҳолининг камбағал оилалар тоифасига тушиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Қизғин муҳокама ва мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### "Ташаббусли бюджет"нинг амалдаги тартибига ўзгартиришлар киритилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2024 йил 11 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Кўчқоровга "Ташаббусли бюджет асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш ва уларнинг натижадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган эди.

Унда фуқаролар таклифлари асосида шаклланган "Ташаббусли бюджет" лойиҳасини янада такомиллаштириш, танлов ғолибларини аниқлашда инсон омилини мумкин қадар қисқартириш борасида кўрилаётган чоралар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш сўралганди.

Мажлисда депутатлар мазкур парламент сўровига юборилган жавобни кўриб чиқди.

Парламент сўрови жавобида келтирилишича, "Ташаббусли бюджет" жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида овоз бериш босқичи ҳаққоний ўтказилишини таъминлаш мақсадида жорий йил биринчи мавсумдан бошлаб "Бир фуқаро — бир овоз" тамойили жорий этилди. Фуқароларга қулайлик яратиш учун "Очиқ бюджет" порталининг "Android" ва "IOS" тизимларида ишлайдиган мобиль иловаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, овоз бериш имкониятини берувчи "Telegram" ботлар ишга туширилди. Фуқароларга ғолиб лойиҳаларни молиялаштириш ҳолатини реал вақт кўринишида кузатиб бориш имконияти жорий этилган.

Бундан ташқари, кенг жамоатчилик ва депутатлар таклифлари инобатга олиниб, амалдаги тартибга қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилмоқда:

- аҳоли сони кичик бўлган маҳаллаларнинг ғолиб бўлиш имкониятини яратиш мақсадида доимий тарзда ғолиб бўлиб келаётган маҳалла (ташкилот)ларга танаффус эълон қилиш амалиётини жорий этиш;
- ходимларни мажбурий овоз тўплашга жалб қилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида овоз бериш босқичи муддатини 10 кунга камайтириш, мажбурий овоз тўпланган лойиҳаларни ғолиб лойиҳалар рўйхатидан четлатиш амалиётини жорий этиш;
- халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларининг ваколатларини кенгайтириш мақсадида туман (шаҳар) бюджетидан қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига ғолиб бўлмаган лойиҳаларни қўшимча ғолиб сифатида эълон қилиш амалиётини жорий этиш назарда тутилмоқда. Ушбу ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Олий Мажлис Сенатига тақдим этилган.

Мажлисда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаларини шакллантириш, лойиҳани танлаш, танлов ғолибларини аниқлашда инсон омилини имкон қадар қисқартириш бўйича тизимли ишлар қилинаётгани қайд этилди. Мисол учун, ички йўллар бўйича лойиҳаларни шакллантиришда йўлнинг узунлигидан келиб чиқиб, лойиҳа қиймати Портал томонидан автоматик тарзда ҳисоблаб чиқилиши жорий этилган. Ишчи комиссия томонидан лойиҳаларни саралаб олиш тўлиқ автоматлаштирилиб, саралаш босқичи шаффоф тарзда амалга оширилиши таъминланган.

Шу билан бирга, "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағлари ҳисобидан 2023 йил ва 2024 йилнинг ўтган даврида ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича ўтказилган ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисда парламент сўровига берилган жавобда кўтарилган масалалар бўйича атрофлича маълумотлар тақдим этилгани қайд этилиб, иқтисодиёт ва молия вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

### Болалар ва ўсмирлар саломатлиги — устувор масала

Мажлисда соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А. Худоёровнинг "Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар орасидаги касалликлар профилактикаси ҳамда уларни даволаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги истиқбол режалар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларининг амалиётга жорий этилгани, шунингдек, оналар ва болаларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам такомиллаштирилиши натижасида оналар ўлими даражаси 34 фоизга, беш ёшгача бўлган болалар ўлими даражаси 26 фоизга камайган.

Республика миқёсида, ҳудудларда ва туман (шаҳар)ларда "365 кун /24 соат" тамойилига асосан оналар ва болаларга кўрсатиладиган ёрдамни назоратга олиш, таҳлил қилиш, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Болаларга амбулатор тиббий хизмат 2300 дан зиёд оилавий поликлиникалар, 209 та туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиника, стационар ёрдам эса 13,3 мингта ўринга эга 245 та вилоят ва туман даражасидаги ҳамда 9 та республика муассасаси томонидан амалга оширилмоқда. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар анестезиология-реанимация бўлимлари ва поликлиникаларда болалар бўлимлари ташкил этилган. Шунингдек, барча "тиббиёт бригадалари" таркибига қўшимча 20 минг болалар ҳамшираси ҳамда патронаж-доя лавозими жорий этилган. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида болалар бўлимлари, "Қизлар саломатлиги" бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган.

А. Худоёровнинг қайд этишича, кардиожарроҳлик соҳаси бўйича ҳар йили туғма юрак нуқсони билан туғилган юқори технологик операцияларга муҳтож болаларга республиканинг 8 та тиббиёт муассасасида кардиохирургик амалиётлар амалга ошириб келинмоқда.

Мажлисда бу борада қилинаётган ишлар рақамлар ва кўрсаткичларда келтириб ўтилди.

Депутатлар соҳада амалга оширилаётган ишларни эътироф этиб, тиббиёт муассасаларини дори воситалари, тиббий ускуна ва сарфлов ашёлари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш, бунда кафолатланган пакет, базавий нархлар ва имтиёзли контингентни ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга йўллаш тартибини қайта кўриб чиқиш лозимлигини қайд этди.

Шунингдек, тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва шифохоналарни электрон иш юритишга ўтказиш, соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш борасида бошланган ишларни охирига етказиш чораларини кўриш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди.

Мажлисда А. Худоёровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**Хўжаободдаги «ФайзМ» МЧЖ Булоқбоши туманида янги тикув корхонасини ишга тушириши билан 1000 та иш ўрни яратилди.**

# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

1 Сўнгги етти йилда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида рўй берган улкан ўзгаришлар натижасида Марказий Осиё минтақасида самимий дўстлик, азалий қардошлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик муҳити яратилди. Бу юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик муҳитига, халқимизнинг хоҳиш-истаклари ҳамда орзу-ўйларига ғоят уйғундир.

Зеро, тинчлик-тотувлик бор жойда тараққиёт, эзгу мақсадлар сари интилиш бўлади. Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари ягона оила аъзоларидек иноқ яшаб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётгани, юртимиз ривожига бирга ҳисса қўшаётгани сўзимиз исботи.

Анжуманда бир гуруҳ ҳамюртларимизга “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишони топширилди. Мукофотланганлар мамлакатимизда осойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги эзгу ташаббуслар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари Одил Абдураҳмонов иштирок этди.

**«Халқ сўзи».**

# Тошкентдаги ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасида Беларусь Республикаси давлат байроғи кўтарилди



1 Беларуснинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига расман аъзо бўлиши ҳақидаги қарор 2024 йил 4 июль куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 24-йиғилишида қабул қилинди. Шу пайтдан бошлаб, Беларусь мазкур ташкилотга аъзо бўлган 10-давлатга айланди.

Тошкентдаги тадбир ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Юқори даражадаги шахслар ва дипломатлар иштирокининг ўзиёқ бу воқеанинг аҳамиятини ва ШҲТ аъзо давлатларининг ташкилот тамойилларига содиқлигини тасдиқлайди.

Беларуснинг ШҲТга аъзо бўлиши, мамлакатнинг халқаро майдондаги позицияларини мустаҳкамлайди, шунингдек, республикани минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган кўп томонлама ташаббусларда фаол иштирокчига айлантиради.

**«Дунё» АА.**

# Сиёсий партиялар фаолияти ривожида аралаш сайлов тизимининг ўрни қандай?

1 2023 йил 18 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга кўра, мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов (мажоритар-пропорционал) тизими асосида ўтказилиши белгиланди.

Хўш, аралаш сайлов тизими сиёсий партиялар ривожида қандай ўрин тутади?

Сайлов кодексининг 37-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эгадир. Мамлакатимизда жорий қилинган аралаш сайлов тизими бўйича сиёсий партиялар қуйидаги икки хил усулда ўз номзодларини вакиллик органига кўрсатиши мумкин:

*биринчи усул* — бир мандатли сайлов округларидан кўрсатилган депутатликка номзодлар бўлиб *(мажоритар сайлов тизими)*, унда сиёсий партия бир мандатли сайлов округларининг ҳар биридан биттадан жами 75 та депутатликка номзодни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур тизимда бир мандатли сайлов округлари бўйича ўтказиладиган сайловларда сайлов бюллетенига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг исм-шарифи киритилган бўлади.

*Иккинчи усул* бўйича Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларига партия рўйхати асосида номзодлар кўрсатилади *(пропорционал сайлов тизими)*. Мазкур усулга кўра, ягона сайлов округи бўйича сиёсий партия томонидан тақдим этилган депутатликка номзодларнинг рўйхатига камида 75 нафар, кўпи билан 100 нафар номзодлар киритилиши лозим.

Партия рўйхатига киритилган номзодлар шу сиёсий партиянинг аъзолари ёки партиясиз бўлиши мумкин. Бошқа сиёсий партиянинг аъзолари бу рўйхатга киритилиши мумкин эмас. Айни бир номзод фақат битта партия рўйхатига киритилади.

Партия рўйхатига бир мандатли сайлов округлари бўйича кўрсатилган номзодлар киритилиши мумкин эмас. Депутатликка номзодларни танлаш тартиби сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда белгиланади.

Аёлларнинг сони бир мандатли сайлов округлари бўйича, шунингдек, партия рўйхати асосида сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар сонининг камида қирқ фоизини ташкил этиши керак. Бунда партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

> *Аралаш сайлов тизимида сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўпроқ депутатлик ўрнини эгаллаш имконияти кенгаяди. Яъни Сайлов кодексининг 96-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади. Мазкур тартиб парламентда сиёсий партияларга ўрин эгаллаш имкониятини беради. Бу эса вакиллик органи фаолиятида партиянинг ўрни ва ролини оширишга хизмат қилади.*

Аралаш сайлов мажоритар ва пропорционал сайлов тизимининг ижобий жиҳатларини ўзида уйғунлаштирган. Шу боис ҳам, мамлакатимизда ҳар икки тизимнинг афзалликларини инобатга олган ҳолда *аралаш сайлов тизими* жорий қилинди.

Таъкидлаш лозимки, аралаш сайлов тизими сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида ва давлат бошқарувидаги тутган ўрни ва роли, фаоллиги ошишига хизмат қилади, буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

*биринчидан, сиёсий партиялар мавқеини оширишга хизмат қилади.*

Шу пайтгача бўлиб ўтган парламент сайловларида сиёсий партиялар вакиллик органларида кўпроқ ўрин эгаллаш мақсадида, энг аввало, номзод кўрсатиш жараёнида сайлов округининг ўзига хослиги, мазкур сайлов округида номзоднинг шахси, обрў-эътибори, индивидуал қобилияти ва фазилатлари каби жиҳатларига эътибор қаратган. Сиёсий партиянинг ғоя ва мақсадларини илгари суришга эса етарли эътибор қаратилмаган.

Аралаш сайлов тизимида сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўпроқ депутатлик ўрнини эгаллаш имконияти кенгаяди. Яъни Сайлов кодексининг 96-моддасига мувофиқ, Қонунчилик палатасига сайловда ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган сиёсий партиялар белгиланган тартибда мандатга эга бўлади. Мазкур тартиб парламентда сиёсий партияларга ўрин эгаллаш имкониятини беради. Бу эса вакиллик органи фаолиятида партияга ўрни ва ролини оширишга хизмат қилади.

Хусусан, партия фракциялари орқали қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятида фаол бўлишга олиб келади. Амалдаги қонунчиликда фракция Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти органларининг ва ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиш, ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўйиш ва фракциянинг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олиш каби ваколатларга эга. Мазкур ваколатлардан кўриш мумкинки, аралаш сайлов тизими орқали партиялар мавқеи ошади, натижада парламентда муҳим ваколатларга эга бўлади.

Мажоритар сайлов тизимида партиялар сайловолди ташвиқотида айнан номзодларга кўпроқ эътибор қаратиши натижасида, сайлов куни фуқаролар номзоднинг қайси партиядан кўрсатилганига эътибор қаратмасдан овоз беради. Аралаш сайлов тизимида эса депутатликка номзоднинг шахси билан бир қаторда партиянинг обрўси ҳам биринчи даражага чиқади.

*Иккинчидан, сиёсий партиялар ўртасида рақобатли сиёсий майдон шаклланади.*

Партиялараро сиёсий рақобатнинг табиати мамлакатда сайлов тизими қандай йўлга қўйилгани билан ҳам боғлиқ. Мамлакатимизда жорий қилинган аралаш сайлов тизими партиялараро рақобатнинг энг яхши томонларини олиш имконини беради.

Аслида ҳам, кенг ижтимоий гуруҳлар қарашларини ифодалайдиган ва манфаатларини ҳимоя қиладиган сиёсий партиялар учун рақобатли сиёсий майдон яратиш муҳим. Фаол сиёсий рақобат муҳити мавжудлиги эса демократиянинг муҳим белгисидир. Айниқса, сиёсий партиялар ўз партиявий ғояларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий майдонда рақобатга киришади. Бу орқали ўз электоратлари ва хайрихоҳлари манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Аралаш сайлов тизими мана шундай сиёсий муҳитни яратишда муҳим ўрин тутади. Хусусан, рақиб партияларни танқид қилишга берилиб кетишдан кўра, ўз сайловолди дастурлари афзалликларига урғу бериш, фаол тарафдорлар ва кўнгиллиларни сафарбар этиш уларнинг сайловда овоз олишининг муҳим кафолати ҳисобланади. Умуман, шахслар ўртасида эмас, балки ғоялар ўртасида рақобат бўлади. Ва айнан мазкур тизим кўп партиявийлик тизимининг ривожланишига хизмат ҳам қилади.

*Учинчидан, сиёсий партияларни сайлов жараёнига масъулиятли ёндашишга ундайди.*

Аралаш сайлов тизими сиёсий партиялардан сайловолди дастурини амалга ошириш услуби ва натижалари ҳамда жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш даражасига алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилади.

Ўз навбатида, мазкур тизим партияларни сайловга нисбатан янгича стратегик ёндашишга ундайди. Жумладан, сайловлар олдидан ҳар бир сиёсий партия ўзининг сайловолди дастури ва сиёсий платформасини ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратади. Сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар ва партиявий рўйхат учун алоҳида ёндашувларни шакллантириши лозим бўлади.

Партиялар тарғибот ва ташвиқотнинг замонавий усулларидан фойдаланишга, жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилиш бўйича ўзининг қатъий позициясини аниқ баён этишга алоҳида эътибор қаратади.

Аралаш сайлов тизими сиёсий партияларни ўз танилувчанлигини ошириш борасида қуйидаги масалаларга аҳамият беришга ундайди: мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш; партия дастурларини сайловчиларга етказишнинг тушунарли шаклларидан фойдаланиш; партия имижини кўтаришга эришиш; партияни тарғибот қилиш учун воситаларни тўғри танлаш; халқчил ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий таклифларни илгари суриш.

Сайлов тарғибот материалларини шакллантиришда партиянинг жамият олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни теран тушунишини кўрсатиш муҳим. Бунинг учун таклиф этилаётган дастурда сайловчилар томонидан устувор деб қабул қилинган муаммолар ечими илгари сурилиши лозим. Дастурдан ўрин олган мақсад ва вазифалар номзодлар даъво қилаётган ҳокимият бўғини ваколатлари билан боғланган ҳолда таҳрир қилиниши зарур. Партия дастурида жамиятдаги мавжуд муаммоларни, ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда партиянинг қўшиши мумкин бўлган ҳиссасини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Аралаш сайлов тизими сиёсий партиялар ривожида муҳим роль ўйнаб, сиёсий майдонда рақобатли муҳит яратишга, уларни сайловларга жиддий ёндашишга ундаш билан бир қаторда жамиятда мавқеини оширишга хизмат қилади.

**Дилмурод ОРТИҚОВ,**
**Судьялар олий мактаби доценти, PhD.**

# «ДИЛОРОМ ДЎРМАН» МАҲСУЛОТЛАРИ ХОРИЖДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

*Кармана туманида фаолият бошлаган “Дилором Дўрман” масъулияти чекланган жамиятида бугун Дўрман, Кумушкон, Қаҳрамон ва Ҳазора маҳаллаларидан 50 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.*

## Тадбиркорлик

Болалар кийимлари тикишга ихтисослаштирилган ушбу тикув корхонаси 2021 йилда ташкил этилган. Унда 20 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, бир кунлик қуввват 2 минг донага тенг.

— Биз, асосан, яримтайёр маҳсулотлар билан ишлаймиз, — дейди корхона раҳбари Асадбек Аҳтамов. — Пойтахтдаги болалар кийимлари ишлаб чиқарадиган “Bonito Kids” ва “Biryuza Group” корхоналари билан шартнома тузганмиз. Улардан бичим кўринишидаги маҳсулотларни буюртма асосида қабул қилиб, тайёр маҳсулот ҳолида қайтарамиз. Экспорт ҳам улар орқали амалга оширилади. Маҳсулотларимиз Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда.

Корхонада мавсумга қараб болалар кийимлари тикилади. Тадбиркор имтиёзли кредит олиб, яна 50 та тикув ускунаси ўрнатиш ҳаракатида. Бу қўшимча иш ўринлари яратиш билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт салмоғини ҳам ошириши тайин.

— Меҳнат жамоамизнинг 30 фоизини “ёшлар дафтари”, “аёллар дафтари”да турган хотин-қизлар ташкил этади, — дейди корхона тикув устаси Нафиса Адизова. — Навоий шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази билан шартномамиз бор. Янги ишга қабул қилинган қизлар ўша ерда 3 ойлик махсус курсларда ўқитилади.

Корхонада бичим кўринишидаги материаллар тайёр маҳсулот ҳолига келтирилгунча 20 босқичдан ўтади. Маҳсулот сифати ҳар бир босқичда алоҳида назорат қилинади. Яқин келажакда “Дилором Дўрман” бренди яратилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг Европа бозорида ҳам рақобатбардошлигини таъминлаш устида иш олиб борилмоқда.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАХТАҚОРАЧАДА ИШЛАР АЪЛО. ҚОВЧИНДА-ЧИ?


Тахтақорача:
ҚАДРИНИ ТОПМАЁТГАН ГЎЗАЛЛИК...
Таассуф

*Газетамизнинг шу йил 2 апрель кунги сонида чоп этилган “Тахтақорача: қадрини топмаётган гўзаллик...” сарлавҳали мақола юзасидан бироз кечикиб бўлса-да, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитасидан жавоб олдик.*

## Таҳририят почтасидан

Унда қўмита раисининг биринчи ўринбосари Д. Абдусаламов “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарининг ҳар бир сони Туризм қўмитаси марказий аппарати, шунингдек, барча тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилишини таъкидлаб, мақолада кўтарилган масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берган.

Қайд этилишича, бугунги кунда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғловчи Тахтақорача довони ҳудудида хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 8 июлдаги “Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва бўш ер участкаларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Самарқанд вилояти Ургут туманида “Қоратепа-Омонқўтон тоғ туризм кластери” ташкил қилиниши режалаштирилган. Унга кўра, аҳоли ва сайёҳлар учун барча қулайликка эга туризм масканлари барпо этилади. Жумладан, туманда жорий ва келгуси йилда аҳоли ҳамда сайёҳлар учун зарур шароитларга эга замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва сервис объектларини, жумладан, жойлаштириш воситалари, туражойлар, савдо-кўнгилочар марказларини ташкил қилиш кўзда тутилган. Тумандаги бўш ер участкалари мастер-режага мувофиқ аукцион савдоларига чиқарилади.

2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессияси доирасида Мисрнинг “Arab international broker” компанияси билан Ургут туманида узунлиги 2 километрга яқин осма дор йўли ва туризм комплексини ташкил этиш бўйича 100 млн. долларлик келишувга эришилди. Бундан ташқари, Ургут туманида гастрономик кўча ҳам ташкил қилинмоқда.

Самарқанд вилоятидаги Омонқўтон қишлоғи Тахтақорача довонининг бошланиш қисмида жойлашган бўлиб, ушбу қишлоқ Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Қайнар қишлоғи билан чегарадош. Қишлоқнинг Ғарб томонида серқоя Қўрғонтоғ савлат тўкиб туради. Тоғда Етти қиз ва Томчи ота ғорлари жойлашган.

Бугунги кунда Китоб тумани “Қайнар” маҳалла фуқаролар йиғини туризм маҳалласига ихтисослаштирилмоқда. Туманда йилига 200 минг хорижий туристга хизмат кўрсатадиган “Қайнар” туристик-рекреацион зонаси ташкил этилмоқда. Ушбу маҳаллада 23 та уй-меҳмонхонаси ташкил қилиниб, 2 км. йўл, 1 км. ичимлик суви ҳамда 3 км. электр тармоқлари яхшиланди. Бундан ташқари, довон бўйлаб ўтувчи М-39 автомагистралига туташ ҳудудларда 74 та савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси ташкил қилиниб, маҳаллий ва хорижий туристлар кўп ташриф буюрадиган “Катта тош” тандир марказининг автомобиллар туражойи майдони кенгайтирилди.

Ҳозирда довон ҳудудида 3 та соғломлаштириш маркази ва 1 та хостел фаолият юритиб келмоқда. Ҳудуднинг туризм жозибадорлиги ошиб бораётганини инобатга олиб қатор янги объектлар қурилиши режалаштирилган. Хусусан, Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 200 ўринли соғломлаштириш маркази, “Qaynarsoy villagy” МЧЖ томонидан 16 гектар ер майдонида туризм комплекси ташкил этилмоқда. Шунингдек, Тахтақорача довонидаги “Qaynar ostonasi” МЧЖга қарашли ер майдонида 50 ўринли меҳмонхона барпо қилинади. “Omad servis qurilish” МЧЖ ҳам қиймати 21 млрд. сўм бўлган замонавий меҳмонхона қуриш лойиҳасига старт берган. Бундан ташқари, “Tegirmonmontajservis” МЧЖга тегишли бўш турган 1 гектар ер майдонида “Китоб патири” бренди асосида Патир бозорчаси ташкил этиш, “Voxa mash’ali” МЧЖ томонидан 3 гектар майдонда капсулали сайёҳлик уйлари қуриш лойиҳаси тасдиқланган.

Айни пайтда довон бўйлаб ўтган М-39 автомагистрали бўйида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўзида бу ерда 12 минг дона манзарали дарахт кўчати ўтқазилди.

Туризм қўмитаси хатида, шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Башир қишлоғида жойлашган “Ҳазрати Башир” зиёратгоҳи йўлини таъмирлаш учун Вазирлар Маҳкамаси йиғилиши баёнига мувофиқ 2024 йилда 4 млрд. сўм ажратилгани келтирилиб, бу зиёратгоҳга ҳар йили 400 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюриши таъкидланган.

Бундан ташқари, Китобда 15 млн. доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш асосида замонавий осма дор йўлини қуриш бўйича Хитойнинг “CAMC Engineering” компанияси билан келишув имзолангани айтиб ўтилган. Лекин афсуски, газетамизнинг 29 май сонида чоп этилган “Ҳаққоний ва холис сўз қалбларга чуқур сингиб, эзгу туйғуларни уйғотади” сарлавҳали мақолада баён этилган буюк бобокалонимиз Абу Муин Насафийнинг Қарши тумани Қовчин қишлоғида жойлашган зиёратгоҳида сайёҳларни кутиб олиш учун меҳмонхона, кўнгилочар масканлар, ҳунармандлар расталари йўқлигига оид танқидий фикрлар ва муаллифлар томонидан киритилган таклифлар бўйича ҳеч қандай муносабат билдирилмаган. Биз Туризм қўмитасидан мазкур масала юзасидан ҳам жавоб кутиб қоламиз.

**«Халқ сўзи».**

## Фестиваль

# ХОНОБОД ШАҲРИДА «ДУНЁ САДОЛАРИ» ЯНГРАМОҚДА

*Андижоннинг энг хушманзара гўшаси Хонобод шаҳрида “Дунё садолари” халқаро миллий эстрада санъати фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Юртимиз ва хорижий санъат юлдузлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги очилиш маросимида анжуманнинг мақсади ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.*

— Президентимиз ташаббуси билан иккинчи бор ўтказилаётган “Дунё садолари” фестивалидан кўзланган мақсад — миллий эстрада санъатимизни халқаро даражада тарғиб қилиш, юртимиз нуфузини ошириш, айни чоғда гўзал табиатга эга бўлган Хонободнинг туризм салоҳиятини намоён этишдан иборат, — деди Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов. — Ушбу фестиваль нафақат андижонликлар, балки вилоятимиз меҳмонларига хушкайфият улашадиган, қалбларга унутилмас таассурот муҳрлайдиган ёрқин тадбирлардан бири бўлиб қолади.

Санъат анжумани доирасида ўзбек ва хорижий эстрада юлдузларининг концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

— Мен Ўзбекистонга илк бор келишим. Хонобод хушманзара, чиройли шаҳар экан, — дейди Жанубий кореялик сайёҳ Ли Ёнг Пак. — Бугунги байрам маданият аҳлининг ижодий ҳамкорлигига йўл очади. Меҳмондўст диёрда шундай нуфузли фестиваль иштирокчиси бўлганимдан хурсандман.

Фестиваль доирасида ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, рассомларнинг ижодий ишлари намуналаридан иборат кўргазмалар фаолияти йўлга қўйилган. Уч кун мобайнида 1,5 миллион нафар меҳмонларнинг ташрифи кутилмоқда. Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун турли кўнгилочар дастурлар намойиш қилинади. Қолаверса, кўчма ҳайвонот боғи, дорбозлар намойиши, 4 та ҳаво шари хизмати ташкиллаштирилиб, маданият ходимлари томонидан тақдимотлар бўлиб ўтмоқда.

“Дунё садолари” фестивали давом этаётир.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**«Фискал таҳлиллар» порталининг маълум қилишича, 2024 йилнинг дастлабки олти ойида 138 826 та ташкилот 13,3 трлн. сўм миқдорда солиқ имтиёзларидан фойдаланган.**

# НАВҚИРОН АВЛОД УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

1 Олий таълим ташкилотларининг хорижий тил филологияси таълим йўналиши бўйича 3 ва 4-курсда таҳсил олаётган ҳамда камида С1 даражадаги сертификатга эга талабаларига ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятини амалга оширишига рухсат берилмоқда.



Ота-оналар ва ўқувчилар талабидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган мактаблар ва касб-ҳунар мактабларида чет тили сифатида немис, француз, корейс, хитой ва япон тилларини ўқитиш йўлга қўйилади. Хорижий тиллар ва замонавий касбларни ўргатиш бўйича дунёнинг етакчи марказлари, олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик асосида уларнинг халқаро стандартларга мос таълим дастурлари “Ибрат фарзандлари” ва “Устоз” лойиҳаларига татбиқ этилади. Олис ва чекка ҳудудларда фаолият кўрсатувчи энг юқори кўрсаткичга эга 100 та хусусий ўқув марказининг таълим жараёнида фойдаланадиган бино-иншоотлар учун ижара тўлови харажатларининг бир қисми компенсация қилинади. Умумий ўрта таълим муассасаларининг синф хоналарини таълим жараёнидан бўш вақтда касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини амалга ошириш учун тўғридан-тўғри шартномалар асосида текин фойдаланиш ҳуқуқи билан хусусий ўқув марказларига беришга рухсат этилади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ Ёшлар ишлари агентлиги зиммасига қатор қўшимча функциялар юкланди. Жумладан, эндиликда агентлик ёшларни хорижий тилларга ўқитиш жараёнларини такомиллаштириш, талаб юқори бўлган чет тилларни мукаммал ўзлаштириш учун шароитларни кенгайтириш, хорижий тилларни ўқитиш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган шахслар ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, соҳадаги муаммоларни мунтазам равишда таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклифлар тайёрлашга масъул бўлади. Хусусий ўқув марказлари рейтингини шакллантириш ҳамда рейтингда юқори ўринни эгаллаган йигит-қизларни рағбатлантириш, ёшлар орасида касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганишни тарғиб қилиш, ушбу йўналишда ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танлов ва олимпиадаларни ташкил этиш чораларини кўради.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида бугун ҳар бир раҳбар ходим ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича аниқ механизмларни белгилаб олган.

Шу ўринда навқирон авлодни том маънода Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр ёшлари дейишга тўлиқ асослар бор. Бунинг исботини сўнгги йилларда барча соҳа сингари олий таълим тизимидаги ёшлар ҳаёти мисолида ҳам айтиш, кузатиш мумкин.

Фикримизни Бухоро давлат университетида таълим сифати ва имкониятлари борасида амалга оширилаётган ишларнинг натижалари билан давом эттирсак. Ҳозирда мазкур олий таълим муассасасида 22 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Уларга 900 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар дарс бериб келмоқда.

Университет ёшлари давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлар туфайли ўтган ўқув йилининг ўзида қатор ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, бир нафар талабамиз Президент стипендияси, ўн нафари Навоий номидаги, бир нафари Бобур номидаги, бир нафари Ислом Каримов номидаги, икки нафари Мирзо Улуғбек номидаги, бир нафари Беруний номидаги давлат стипендияси совриндорлари бўлди. Шунингдек, ўн нафари ректор, тўрт нафари “Турон банк”, бир нафари Саримсоқов номидаги, бир нафари Паҳлавон Маҳмуд номидаги стипендияларни қўлга киритди. Шу билан бирга, икки нафар талаба Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Яна бир нафар талабамиз “Мирзо Улуғбек ворислари” танлови республика босқичи ғолиби бўлган бўлса, 400 нафардан ортиқ талаба-ёшлар халқаро, республика ва вилоят миқёсидаги интеллектуал, илм-фан, мусиқа, санъат, спорт, туризм, IT соҳа ва йўналишларида ўтказилган олимпиадалар, танловлар, мусобақаларда қатнашиб, нуфузли ўринларни қўлга киритди.

> *Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг энг чўққисида доим ёшлар масаласи биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган. Бунинг исботини янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 79-моддасида “Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”, деб белгилаб қўйилганида ҳам кўриш мумкин.*

Ёшлар куни муносабати билан Бухоро давлат университети талабалари учун кўп тармоқли универсал спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунга мос равишда олийгоҳ 2023/2024 ўқув йилида спорт соҳасида катта натижаларга эришди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида республика олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган 5 та спорт тури бўйича “Беш ташаббус олимпиадаси” спорт мусобақаларининг Бухоро давлат университетида ўтказилиши ва ушбу беллашувларда олийгоҳ талаба-ёшлари бир неча спорт тури бўйича юқори натижаларни қўлга киритиши ҳамда яқинда олийгоҳлар ўртасида ўтказилган “Талаба спорт лигалари”да ҳам университет жамоаси ютуқларга эришиши ёшларга яратиб берилган имкониятлардан мақсадли, самарали фойдаланишнинг натижасидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида илгари сурган беш муҳим ташаббуси том маънода бугунги кунда юртимиз ёшларининг иқтидорини юзага чиқаришнинг асосий драйверига айланган. Бугун университетда мавжуд “Kovorking”, “Бандлик”, “Волонтёрлар” марказлари, “Заковат”, “Қувноқлар ва зукколар (QVZ)”, “Мунозара”, “Талабалар театр студияси”, “Талабалар спорти” каби ўнлаб клублар, элликдан ортиқ фан, маданият, санъат, спорт, интеллектуал тўгараклар талаба-ёшларнинг севимли манзилига айланган.

Айтиш ўринлики, яқинда Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманлари кесимида, айниқса, “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!”, “Билим ва тафаккуримиз шу эл учун, шу юрт учун!”, “Биз — келажак бунёдкоримиз!” каби шиорлар остида ўтказилган ёшлар ойлиги доирасидаги тадбирлар сони ва салмоғи жуда кенг бўлди. Ушбу тадбирларда Бухоро давлат университети талаба-ёшлари иштирокида 500 га яқин тадбирлар вилоятдаги шаҳар ва туманлар, маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида юқори савияда, кўтаринки руҳда ўтказилгани эътирофга молик.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг энг чўққисида доим ёшлар масаласи биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган. Бунинг исботини янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 79-моддасида “Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади”, деб белгилаб қўйилганида ҳам кўриш мумкин. Бу эса давлатнинг ёшлар олдидаги масъулиятини янада кучайтирмоқда, янги лойиҳалар, янги вазифаларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Обиджон ҲАМИДОВ,**
**Бухоро давлат университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# ВЕНГРИЯЛИКЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ҲАВО ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ



*Будапештнинг энг машҳур циркида ўзбекистонлик ҳаво гимнастикачилари Бекзод Собиров ва Бобур Тошпўлатовдан ташкил топган “Duo Reflection” дуэти чиқиш қилмоқда.*

## Фахр

Ўзбек гимнастикачиларининг ҳар бир чиқиши ёрқин ва эсда қоларлиги билан ажралиб турибди. Жамоа аъзолари акробатика, гимнастика ва миллий ўзбек цирк санъати элементларини ўзида мужассам этган томошаларни намойиш этяпти.

Мамлакатимиз гимнастикачиларининг иштироки Ўзбекистон ва Венгрия халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган халқаро маданий алмашинув дастурининг бир қисми бўлди. Тадбир кўплаб томошабинларга, жумладан, дипломатик корпус вакиллари, маданият ходимлари ҳамда Венгрия пойтахти аҳолиси ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон вакиллари намойиш этган ёрқин саҳна кўринишлари, акробатик ҳаракатлар ва юқори артистлик маҳорати томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Айниқса, акробатик ҳалқалар ёрдамида амалга оширилган машқлар цирк санъати мухлисларининг ҳайратига сабаб бўлди.

Жамоа аъзолари билан кечган учрашувда ўзбекистонлик цирк санъати усталари Венгрия таассуротлари билан ўртоқлашди. “Гуруҳимизнинг номи “Duo Reflection” бўлиб, биз Будапешт шаҳрида Ўзбекистон цирк санъати имкониятларини тақдим этяпмиз. Венгриялик томошабинлар чиқишларимизни олқишлар билан кутиб олгани бизга мадад бўлди. Шунингдек, биз билан бирга Бельгия, Россия, Украина, Латвия, Франция, Эфиопия каби давлатлардан келган цирк санъати артистлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этмоқда. Европа Иттифоқи цирк аренасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётганимиздан жуда мамнунмиз”, деди Бекзод Собиров.

Ўз навбатида, Будапешт цирки вакиллари ўзбек гимнастикачиларининг юқори тайёргарлигини таъкидлаган ҳолда маданий алмашув доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга умид билдиришди.

Шу ўринда айтиш керакки, мазкур тадбир Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда миллий цирк санъатининг ранг-баранглигини намоён этишда муҳим қадам бўлди. Бу ўзбек маданиятини Европада янада оммалаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**
Будапешт

РЕКЛАМА

## Танлов савдоларида қатнашиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари вакиллари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрда “Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 865-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ, Қоровул қўшинлари 7535-ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари учун Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Маданият маҳалласи А. Темур кўчасида жойлашган 0,60 гектар ер майдонига кўп квартирали уйларни “тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қуриш бўйича инвестор ёки қурилиш ташкилотларини аниқлаш мақсадида тендер савдолари ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган инвестор ёки қурилиш ташкилотлари вакилларидан 90-607-65-80 ва 99-088-69-86 рақамларига боғланиб, “Техник топшириқ”да кўрсатилган шартлар асосида унда қайд этилган ҳужжатларни тақдим қилиши талаб этилади *(мурожаат этувчиларга балансда сақловчи томонидан тасдиқланган “Техник топшириқ” ПДФ шаклида телеграм ижтимоий тармоғи орқали тақдим этилади)*.

Шу жумладан, “Тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қурилиши режалаштирилган кўп қаватли уйлар бўйича ғолиб бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилоти томонидан лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларни тайёрлаш ишлари учун харажатлар молиялаштирилади *(лойиҳа-смета, геология ўрганиш ва қурилиш ишларига рухсат олиш ҳамда бошқа ҳужжатлар)*.

Қурилиши режалаштирилган кўп қаватли уйлар тўлиқлигича ғолиб бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилотининг маблағи ҳисобидан барпо этилади, балансда сақловчи томонидан маблағ ажратилмайди. Шунингдек, балансда сақловчи томонидан 0,60 гектар ер майдони бўйича тегишли ҳужжатлар тайёр бўлганидан сўнг ғолиб бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилотига топширилади. “Тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қурилган уйларнинг 50 (эллик) фоизи балансда сақловчи 7535-ҳарбий қисмга арзонлаштирилган ҳолда топширилади *(бир метр квадрат уйни қуриш учун кетган харажатнинг таннархи бўйича)* ва қолган 50 (эллик) фоиз уйлар ғолиб бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилоти томонидан бозор нархида аҳолига сотилади.

Тендер савдолари Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси биносида ўтказилиши режалаштирилган.

**Мазкур шартлар ва балансда сақловчи томонидан тасдиқланган техник топшириқда кўрсатилган шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагида бўлган инвестор ёки қурилиш ташкилотларининг вакиллари 2024 йил 24 август куни соат 15:00 га қадар ўз таклифларини ёпиқ пакетда муҳрланган ҳолда қуйидаги манзилга юбориши мумкин: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 1-уй.**
**(Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси).**
**Мурожаат учун тел.: 90-607-65-80, 99-088-69-86.**

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

# ТАФСИЛОТЛАР

## Сайёҳлик соҳасида келишувга эришилди

*Ўзбекистоннинг Кувайтдаги элчихонаси кўмагида “Alsalam Media Company: Project Development Consultant” компанияси вакили Жамол Абдулла ад-Дуаижнинг Самарқанд вилоятига ишчи сафари ташкил этилди.*

Хусусан, Пайариқ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шоҳруҳ Эшонқулов билан учрашувда ҳудудга хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда Имом Бухорий мажмуаси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сайёҳлар оқимини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, меҳмон Имом Бухорий мажмуаси жойлашган ҳудудни туризм объекти сифатида янада ривожлантириш бўйича ўз таклифларини билдирди. Учрашув якунида томонлар инвестиция ва сайёҳлик соҳасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида келишувга эришди.

## Халқаро математика мусобақасидан 18 та медаль

*Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро математика мусобақасида ўзбекистонлик ўқувчилар муваффақиятли иштирок этди.*



Дунёнинг 30 та давлатидан 576 нафар иқтидорли ёш қатнашган билимлар беллашуви якунида ҳамюртларимиз 3 та олтин, 4 та кумуш ва 11 та бронза медалларни қўлга киритди. Мусобақада Озодбек Ахтамов, Асадбек Бобоқулов ва Дилдора Маҳкамова олтин медалга сазовор бўлди.

## Талабаларга қулайлик

*Қарши давлат университетида туризм амалиёт маркази ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш лабораторияси очилди. Унинг очилишида Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов иштирок этди.*

Лаборатория фотоэлектрик қуёш қурилмалари ишлаши ва қуёш панелларида ишлаб чиқарилган электр энергияси мониторингини олиб боришга мўлжалланган. Бу ерда муқобил энергия манбалари йўналишида таълим оладиган талабаларнинг амалиёт ўташи, магистрантлар ва ёш олимларнинг илмий тадқиқот ишларини бажариш имконияти яратилган.

Марказ 4 юлдузли меҳмонхона андозасида бунёд этилган бўлиб, меҳмонларни кутиб олиш, жойлаштириш, умумий овқатлантириш хизматлари, анжуманлар зали ва ўқув хонасини ўз ичига олади.

## Тикувчилик дастгоҳлари — даромад манбаи

*Сурхондарё вилояти Халқ қабулхонасининг “Мурожаатдан — даромадга” лойиҳаси доирасида Денов туманида истиқомат қилувчи 100 нафар ишсиз хотин-қизга тикувчилик дастгоҳлари топширилди.*



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланиб, яратиб берилаётган имкониятдан унумли фойдаланиш зарурлиги қайд қилинди.

Лойиҳа доирасида воҳадаги 91 та маҳаллада истиқомат қилувчи 505 нафар ишсиз хотин-қизнинг ўзини ўзи банд қилиши учун шароит яратиш мақсадида уларга тикувчилик дастгоҳлари топширилди.

**«Халқ сўзи».**

**Андижон шаҳрида универсал спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6